

**ЎҚИШ САВОДХОНЛИГИГА ҚЎЙИЛАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ  
ТАЛАБЛАР (PIRLS ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ТАДҚИҚОТЛАРИ  
МИСОЛИДА)**

**Сарвиноз Бахтиёровна Аллаёрова**  
Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

**Самариддин Баракаевич Қораев**  
Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

**Аннотация:** Ушбу мақолада бошланғич синф ўқувчиларини PIRLS халқаро тадқиқотлариға тайёрлаш жарёнлари ва уларни ўтказиш, матнлар билан ишлаш шунингдек, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** PIRLS халқаро баҳолаш дастури, ўқитувчи ва ўқувчилар фаолияти, хорижий тажрибалар, таълим сифатини баҳолаш, ўқиш саводхонлигини оширишда ижодкорлик.

**СОВРЕМЕННЫЕ ТРЕБОВАНИЯ К ГРАМОТНОСТИ ЧТЕНИЯ  
(ПРИМЕР ИССЛЕДОВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНОЙ ОЦЕНКИ PIRLS)**

**Аннотация:** В данной статье обсуждается процесс подготовки учащихся начальных классов к международным исследованиям PIRLS и их проведения, работы с текстами, а также работа, которую необходимо проделать в этом направлении.

**Ключевые слова:** Международная программа оценки PIRLS, деятельность преподавателей и студентов, зарубежный опыт, оценка качества образования, креативность в повышении читательской грамотности.

**MODERN REQUIREMENTS FOR READING LITERACY  
(AN EXAMPLE OF PIRLS INTERNATIONAL ASSESSMENT RESEARCH)**

**Abstract:** In this article, the issues of preparation of Primary School students for PIRLS international study and information about it, as well as the work that should be done in this regard, are also indicated.

**Key words:** PIRLS International Assessment Program, activities of teachers and students, foreign experiences, evaluation of the quality of education, creativity in improving reading literacy.

«Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйган ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ана шу ислоҳотларнинг муваффакияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, аввало, илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожи билан, бу борада бизнинг дунё миқёсида рақобатдош бўла олишимиз билан узвий боғлиқ...» -деган фикрларни айтиб ўтган эдилар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев[1].

Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида хорижий илғор тажрибаларни ўрганиш, халқаро стандартлар талабларининг жорий этилиши муҳим аҳами ятга эга. Бу борада юртимизда қўйилаётган амалий қадамларга халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларнинг ташкил этилиши тўғрисида ҳукумат қарорининг қабул қилиниши Таълим соҳасидаги ютуқларни баҳолаш халқаро ассоциатсиясидек (IEA) нуфузли ташкилот билан ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилишини мисол сифатида келтириш мумкин. Ушбу IEA ташкилоти 60 йилдан кўпроқ вақт мобайнида таълимни қиёсий ўрганиш соҳасида етакчи ташкилот бўлиб келмоқда [4]. Бу ташкилот таълим тизимида давлат сиёсати ва амалиётнинг таъсирини чуқурроқ ўрганиш мақсадида таълим соҳасида кенг миқёсли тадқиқотлар олиб боради ва бу тадқиқотлар таълим жараёнлари ва натижаларини қўриб чиқиб, таълим сифатига таъсир этувчи ўзаро боғлиқ омилларни қиёсий таҳлил қиласди. Ушбу тадқиқот юқори техник ва илмий талаблар асосида ўтказилади. Шунингдек, ўрганилаётган ҳолатларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, амалий тадқиқотлар билан бирга кузатув каби самарали усуллардан ҳам фойдаланилади [3].

PIRLS – бошланғич синф ўқувчиларининг матнни ўқиб тушуниш даражасини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқот дастуридир. Бошқача қилиб айтганда, бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиб тушуниш кўникумаларини қай даражада ривожланганлиги хақидаги маълумотларни халқаро миқёсда таққослаш имконини берадиган, ўқиш ва ўқитишини яхшилаш учун таълим соҳасидаги давлат сиёсатига оид маълумотларни тақдим этадиган йирик халқаро баҳолаш дастуридир. Шунингдек ушбу PIRLS тадқиқоти ёш ўқувчилар томонидан мактабда ва мактабдан ташқарида таълим олишнинг катта қисмини ташкил этувчи, яъни бадиий тажриба орттириш, маълумот олиш ва ундан фойдаланиш

кўнималарини баҳолаш каби иккита кенг қамровли мақсадларни ифодалайди. 2016 йилда тадқиқотга Россия Федерациясининг 42 та худудидан 206 та умумий ўрта таълим мактаби ва 4577 та бошланғич синф ўқувчилари жалб этилган бўлиб, тадқиқот натижаларига кўра Россия Федеррацияи дунё бўйича биринчи ўринни эгаллаган.

Ўқиши саводхонлиги ўқувчиларнинг илмий ва шахсий муваффақиятини ўсиши учун асос бўлиб хизмат қиласи, шунингдек, PIRLS таълим соҳасида олиб борилаётган сиёсатнинг муваффақиятга таъсирини баҳолаш учун қимматли восита ҳисобланади [2]. Ўқиши саводхонлиги – жамият томонидан талаб қилинадиган ва инсон томонидан қадрланадиган ёзма тилнинг шаклларини идрок этиш ва амалиётда қўллай олиш, шунингдек, матнлардан турли шаклларда маъно ҳосил қила олиш қобилияти ҳамдир. Ўқувчининг матн билан ишлаши жараённида ўқувчи ва матн орасидаги мулоқот орқали (шунинг учун ҳам бу жараён интерактив дейилади) ўқувчи маънони яратади (шунинг учун ҳам бу жараён конструктив инглизча «construct» – яратмоқ дейилади). Ўқувчи бу жараённинг фаол қатнашувчиси бўлиб, маъно яратади, матн устида мушоҳада юритади ва самарали ўқиши стратегияларини онгли равишда танлаб қўллади. Ҳар бир матн тури одатий шакл ва қоидаларга амал қилган ҳолда ўқувчига матнни шарҳлашга ёрдам беради. Ҳар қандай матн турли шаклга эга бўлиши мумкин. Булар анъанавий китоблар, журналлар, ҳужжатлар ва газеталар, шунингдек, рақамли кўринишдаги ёзма шаклларни ҳам ўз ичига олади [4;5]. Бугунги кунда айнан таълим тизимида ушбу тадқиқотларни янада ривожлантириш мақсадида таълим кластерига асосланган ўзаро интеграциялашган таълим турларини татбиқ қилиш зарур. Замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда таълим ва фан ўртасидаги тарқоқлик бугунги кунда узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш моделига ўтказиш заруратини тақозо этмоқда.

Ўқувчиларни ижодий изланиш, фаоллик, эркин фикр юритишга йўналтирувчи таълим шакли, метод ва воситаларининг тўғри танланиши дарс жараёнини самарали, қизиқарли, баҳс-мунозараларга бой бўлиши, ижодий тортишувларнинг юзага келишига туртки беради. Педагогик технологиялардан мажбуран фойдаланиш мумкин эмас. Аксинча, тажрибали педагоглар томонидан асосланган ёки улар томонидан қўлланилаётган илғор технологиялардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш билан бирга, уларни ижодий ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

## **REFERENCES**

1. “Халқаро тадқиқотларда бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиши саводхонлигини баҳолаш” (Бошланғич синф ўқитувчилари, методистлар ва соҳа мутахассислари учун методик қўлланма). Таълим инспекцияси хузуридаги Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази. Тошкент, 2019 йил. 92 б.
2. Кузнецова М. И. “PIRLS 2021 халқаро солиширма тадқиқоти доирасида ўқиши саводхонлигини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари”. Таълимни ривожлантириш стратегиялари институти. Москва 2020й.
3. Koraev S.B., Kurbonova M.F. “Problems and ways to improve student learning competencies in primary education”. Academic research in educational sciences, Tashkent, 2020. Volume 1, ISSUE 4, pp 795-801.
- 4 Qorayev .B., Allayorova S.B. “Xalqaro dastur talabalari asosida innovatsion ta'lif muhitini yaratish”. Fan, ta'lif va amaliyot integratsiyasi 2021 й. ISSN: 2181-1776 132-137 b.
5. Qorayev .B., Allayorova S.B. “Boshlang'ich sinf o'quvchilarini pirls xalqaro baholash dasturi tizimiga tayyorlash jarayonini takomillashtirish masalalari” Academic research in educational sciences, 2021й. 2(2), 443-448 b.